

1-ТОМ, 10-СОН

Симуляцион таълимнинг тарихий ривожланиши

Ш.Б.Жонибеков

Осиё Халқаро Университети магистранти

Халқаро таълим амалиётида таълим олувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш заруриятини юзага келтирди. Бу аввало, халқаро тажрибалам келиб чиққан ҳолда узлуксиз таълим тизимида компетенциявий ёндашувга асосланган таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув режалари яратиш, компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш технологиялари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни тақоза қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш устивор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, дунё таълимида таълим технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар таҳлилида тиббиёт, ветеринария, автотранспорт каби соҳаларда мутахассис тайёрлаш жараёнига симуляцион-имитацион ўқитиш технологияларини қўллаш таълим мазмунини ўзлаштиришнинг самарадорлигини таъминлади. **Симуляцион таълим** - ўзига хос таълим технологияси бўлиб, унда реал ҳаётнинг воқеликка яқинлаштирилган ҳолда сунъий равишда ташкил этилган муҳитда таълим олувчиларнинг амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш кўзда тутилади. Тиббий таълим соҳасида симуляцион технологияларга оид илк тадқиқотлар буюк қомусий аждодимиз Ибн Сино таълимотига бориб тақалади. Улуғ мутафаккир олим суяк парчаланиши ва синишини даволашни ўргатишда симуляцион таълимнинг илк оддий лекин самарали методикасини қўллаган, яъни ушбу методика шундай иборат бўлганки унда мато халтачадаги бўлақларга бўлинган (синдирилган) сопол кўзани қайта йиғиш жараёни машқ қилинганлигини кўриш мумкин. Кейинчалик, XVIII асрда Францияда Мадам дю Кудрэ (Angélique du Coudray) акушерликка ўқитиш курслари учун махсус симулятор яратган. XIX асрга келиб, Японияда тиббий симуляцион манекенлар пайдо бўлади. Шундан сўнг, ушбу тадқиқот объекти тиббий таълимни ривожлантиришнинг устивор



## **1-TOM, 10-SON**

йўналиши сифатида қаралиб, халқаро илмий марказлар томонидан ривожлантирилган. Жумладан: 1960-90 йилларда АҚШ ва Норвегия олимлари Питер Сафар, Майкл Гордон, Дэвида Габалар томонидан янги симуляцион ўқитиш технологиялари ривожлантирилган ҳамда янги симуляцион ускуналар яратилган. 1992 йилда Гарвард тиббиёт мактабида (Бостон, АҚШ) “Буюк симуляцион тажриба” (The Great Simulation Experiment) ўтказилган ва тиббиёт соҳасида симуляцион ўқитишнинг самарадорлиги амалий исбот қилиб берилган.

Тарихий тараққиётнинг ривожланиши негизда симуляцион ўқитиш тиббиёт соҳасида ривожланиши асосида таълим соҳасида ҳам симуляцион ўқитиш технологиялари жадал кириб келди. Техника соҳасида эса дастлабки симуляцион ўқитиш усуллари мураккаб техник воситаларни бошқаришга ўргатиш жараёнига тадбиқ этилган. Жумладан, 1909 йилда илк симулятор қурилмаси “Антуанетта” самолётини бошқаришни ўргатиш мақсадида махсус симуляцион тренажёр ўқитиш воситаси сифатида яратилган. Техник соҳада (катта йўқотишлар, талофатлар келтирадиган соҳаларда хатосиз ишлаш принциплари асосида амалга ошириладиган жараён) симуляцион тренажерлар космонавтика, самолёт, кемалар, металлургия, ҳарбий техника бошқариш ва бошқа турдаги техник воситалардан фойдаланишни ўргатиш курсларида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Таълим олувчиларни бизнес ва тадбиркорликка ўрганишда асосан анъанавий ўқитиш усуллари қўрилган натижаларни бермаяпти. Шунинг учун ҳам таълим олувчиларни реал шарт-шароитлари мавжуд бўлган жараённинг бевосита иштирокчиси бўлиши, кўз билан кўриши, қўл билан ушлаши, жараённи бошқариши, синаб кўриши, хатоларни тузатиш имкониятининг яратилганлиги таълим олувчиларнинг таълим мазмунини тўлиқ ўзлаштиришлари учун асос бўлади, таълимни амалиёт билан максимал даражада яқинлаштириш имконини беради.

Симуляцион ўқитиш жараёнини ташкил этиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, бунда махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг амалий касбий фаолиятларида таълим олувчилар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ҳар хил вазиятлар учун имитацион сценарийлар ишлаб чиқиши, имитацион технологиялар, симуляцион муляжлар, ишлаб чиқариш ускуналари прототипларини яратиш, ўқув воситалари билан ишлаш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларини таъминлаш талаб этилади. Бунда симуляцион таълимда таълим олувчи ўрганиб тажриба орттириш талаб



### **1-ТОМ, 10-СОН**

этиладиган амалий машғулотлар дастурини шакллантиришдан тортиб, таълим олувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган моддий техник база яратиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Симуляционное обучение в медицине / Сост. Горшков М. Д., под ред. Свистунова А. А.-М.: Изд-во Первого МГМУ им. И. М. Сеченова, 2013 .-287

2..М.Д.Горшков, А.Л.Колыш. История симуляционного обучения в России и зарубежом.

3.Cyberleninka.ru/article/n/istoriya-simulyatsionnogo-obucheniya-v-rossii-i-zarubezhom/viewer

4.R.Samaha. Simulation-based healthcare education. Does it yield some results. Concordia University 2012.

